**«ТАСДИҚЛАЙМАН»**

Вилоят 1-сон асаб-рухий касалликлари диспансери бош врачи

____________ Г.Т.Муродов

«01» апрел 2022 й.

Вилоят 1-сон асаб-рухий касалликлари диспансерида даволанаётган беморлар учун иссиқ овқат тайёрлаш Аутсорсинг хизматини бажарадиган ташкилотни танлаш бўйича

# ТАНЛОВ ҲУЖЖАТЛАРИ

**Буюртмачи:** Вилоят 1-сон асаб-рухий касалликлари диспансери

Косон – 2022 й.

# ШАРТЛАР

-Иссиқ овқат утказиб берувчи ташкилот ва муассаса ходимлари, мутахассислари мавжудлиги, танловдаги ишларни бажариш тажрибасига етарли касбий техникавий малакасига эга бўлиши шарт.

- Хизматларнинг максимал нархи апрел ойи учун 188 000 000 сўм, май ойи учун 188 000 000 сўм жами 376 000 000 (Уч юз миллион етмиш олти минг) сўмни .

- Иссиқ овқат билан таъминлаш учун озиқ-овқат маҳсулотларнинг сифати ва сертификатлари мавжуд бўлиши лозим.

- Молиявий имкониятларга шартнома тўзиш юзасидан фуқаролик муомаласига, ҳуқуқий лаёқатга ва ваколатга эга, тажрибали ва ишончли бўлими шарт.

- Иссиқ овқат етказиб берувчи корхона ва муассасалар Давлат реестридан рўйхатидан ўтган гувохномага эга бўлиши шарт.

- Иштирокчилар томонидан берилган тижорат таклифлар комиссия аъзолари томондан урганиб чиқилади, иштирокчилар билан сухбат жараёнида иш хизмат кўрсатиш сифати аниқлаб олинади комиссия аъзолари энг арзон таклиф берган иштирокчини танлашга мажбур эмас балки сифатли иш ҳизмат кўрсатувчи иштирокчи танланиши мумкин ғолиб деб топилган иштирокчи билан шартнома имзоланади ва олдиндан 30% тўлов амалга оширилади, қолган 70% тўлов иш ёки хизмат якунланиб иш ва хизмат хажми, сифати комиссия томонидан текширилгандан сўнг тўлаб берилади. Иштирокчилар шартнома тўзиш учун қонуний ҳуқуқга эгалиги, солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлиги мавжуд эмаслиги, ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги, шартномани бажариш учун зарур техникавий, молиявий, моддий ва кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурсларнинг мавжудлиги, инсофсиз ижрочилар ягона реестрига қайд этилмаганлигини тасдиқловчи маълумотлари бўлиши керак.

- Ижрочилар билан ҳисоб-китоблар миллий валютамиз сўмда тўлаб берилади.

- Танловда иштирок этиш учун таклифлар ўзбек тилида тайёрланиши лозим.

- Танлов иштирокчиси битта лотга фақат битта таклиф беришга хақли.

- Тупламлар сони: 5 иш куни давомида

Танловга қўйилган товарнинг (хизматнинг,ишнинг) нархи қушилган қиймат солиғи билан ёки қушилган қиймат солиғисиз. Ишлар танлов хужжатларининг тижорат қисмида жойлашган талабларига биноан бажарилиши лозим. Хизмат кўрсатиш муддати: хар ой календар санаси бўйича 28,29,30 ёки 31 кун.

Буюртмачи – Вилоят 1-сон асаб-рухий касалликлари диспансери. Манзил: Қарши шаҳри И.каримов кўчаси 85-уй. Телефон 75-226-25-83. Танлов ташкил этиш ва ўтказиш учун масъул шахс: Бош шифокор комиссия раиси, котиби ва комиссия аъзолари Қашқадарё вилояти Қарши шаҳрида жойлашган Вилоят 1-сон асаб-рухий касалликлари диспансерида даволанаётган беморларга тайёр иссиқ овқат тайёрлаб етказиб бериш Аутсорсинг хизмати бўйича лот муддати тугагандан сунг барча иштирокчилар ва комиссия аъзолари билан ўтказилади.